


Давлатимиз раҳбарининг халқ таълими тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепсиясида мактабларни баҳолаш мезонларига мувофиқ “Замонавий мактаблар”га айлантириш вазифаси қўйилган.



Шунга асосан Қумқўрғон туманида ҳам “Замонавий мактаб” талаблари асосида лойиҳалари ишлаб чиқилиб, ҳозирги кунда қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, тумандаги Қорсоқли маҳалласида жойлашган 5-сонли мактабга 840 ўринли, Мунчоқтепа маҳалласида жойлашган 21-мактабга 330 ўринли, Ўзбекистон 5 йиллиги маҳалласида жойлашган 38-мактабга 600 ўринли, Боғаро маҳалласида жойлашган 70-сонли мактабга 330 ўринли қўшимча бино қуриш ҳамда Жалоир ва Боболочин маҳалласидаги 9-13-сонли мактабларни капитал таъмирлаш ишлари буюртмачи “Инфуратузилмани ривожлантирш инжиниринг компанияси” томонидан амалга оширилмоқда.

Албатта, амалга оширилаётган бу каби бунёдкорлик ишлари халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади.